

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси

60530500 - Геология (нефть ва газ геофизикаси)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Геология фанлари университети
- “Нефть ва газ конлари геологияси ва разведкаси институти” Давлат Муассасаси

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «29» 08 даги 5 – сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил «9» 09 даги 302 – сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60530500 - <i>Геология (нефть ва газ геофизикаси)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.2. 60530500 - <i>Геология (нефть ва газ геофизикаси)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.....	4
2. 60530500 - <i>Геология (нефть ва газ геофизикаси)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.2. 60530500 - <i>Геология (нефть ва газ геофизикаси)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талабларилари	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	8
Келишув варағи.....	9

1. 60530500 - Нефть ва газ геофизикаси бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

60530500 – Геология (нефть ва газ геофизикаси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60530500 – Геология (нефть ва газ геофизикаси) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби *60530500 – Геология (нефть ва газ геофизикаси)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор–ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60530500 – Геология (нефть ва газ геофизикаси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60530500 – Геология (нефть ва газ геофизикаси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60530500 – Геология (нефть ва газ геофизикаси) – табиий билимлар соҳасидаги йўналиш бўлиб, у гидрогеология соҳасини ривожлантиришга, истикболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари ва услублари мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60530500 – Геология (нефть ва газ геофизикаси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар;

– улар томонидан худудларда нефть ва газ конларини қидириш ва баҳолаш бўйича олиб бориладиган дала (экспедиция), бурғилаш ишлари;

– тоғ жинслари ва нефть ва газ наъмуналарининг моддий таркибини таҳлил қилишга мослаштирилган лаборатория мажмуалари, уларда қўлланиладиган асбоб-ускуналар, замонавий жихозлари;

– нефть ва газ конларини қидириш, разведка қилиш ва баҳолашга доир масалаларни ечиш бўйича тўпланган маълумотлар талқини ва компьютер дастурлари асосида уларни қайта ишлаш мажмуалари;

- соҳада геофизикавий, гиокимёвий, литологик ва бошқа усулларни қўлланиши;
- олинган маълумотлардан фойдаланадиган ва уларни талқин қилиш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш корхоналари, бирлашмалар, илмий-тадқиқот институтлари, ОТМ ларнинг илмий тадқиқот лабораториялари;
- тоғ-кон назорат инспекциялари;
- ГАТ технологиялари;
- педагогик ва ахборот технологиялари.

1.2.3. 60530500 – Геология (нефть ва газ геофизикаси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув;
- геология-қидирув ишлари;
- лойиҳавий-конструкторлик;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- ишлаб чиқариш-технологик фаолияти.

1.2.4. 60530500 – Геология (нефть ва газ геофизикаси) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60530500 – Геология (нефть ва газ геологияси) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ташкилий-бошқарув:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
- ташкилот ва корхоналар фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий иқтисодий билимларни қўллаш орқали бошқариш;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
- бирламчи ишлаб чиқарувчи бўғин ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- корхоналар ташкилий-бошқарув фаолиятида қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқишда ҳамда қарорларни муқобил вариантини танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.

Геология-қидирув ишларида:

- дала геологик излаш ва қидириш ишларини ўтказиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш услубларини ўзлаштириш, фонд материалларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш, захира ҳисоблашнинг замонавий методларини қўллаш;
- нефть ва газ конларини техник-иқтисодий баҳолаш, техник-иқтисодий кўрсаткичларни аниқлашни, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини ривожланиш қонунлари ва

қонуниятларини мукамал билиши ва улардан фойдаланишнинг замонавий методларини қўллаш олиш;

– геология–қидирув ишлари давомида бажарилаётган илмий, ишлаб чиқариш ва технологик масалаларни ечим топишида фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ҳисобга олиш.

Лойиҳавий–конструкторлик:

– нефть ва газ конлари геологиясининг стратегик йўналишларини аниқлаш ва тадқиқ қилиш лойиҳасини тизимий ёндошув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқиш;

– бажарилаётган тажриба ва амалий ишлар натижалари бўйича математик, инфор­мацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш;

– лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– амалиётда инфор­мацион технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини (тайёргарлик профилига мос равишда) қўллаш.

Илмий–тадқиқот фаолиятида:

– ишлаб чиқилган дастурлар асосида геологик жараёнлар, уларнинг хосилалари, тоғ жинслари, минераллар, қаттиқ, суюқ ва газсимон фойдали қазилмалар, Ер қаърининг физик ҳолати, нефть ва газ конлари генезиси, турлари, таркибий тузилишини аниқлаш;

– нефть ва газ хом ашёси сифати ва уни сертификатлашни таъминлаш жараёнларини таҳлил қилиш, синтез қилиш ва оптималлаштириш методларини ишлаб чиқиш;

– интернет тармоғидан нефть ва газ конларини қидиришнинг замонавий самарали усуллари ҳақидаги энг янги илмий маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– илмий–тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини муваффақиятли ечиш.

Ишлаб чиқариш–технологик фаолиятда:

– ташкилотнинг геологик-ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли қарорлар, буйруқлар, топшириқлар ва бошқа бошқарув материалларини;

– ҳудуд геологиясининг нефтьгаздорлиги ва конларини;

– нефть ва газ конларини қазиб олиш қоидаларини;

– қазиб олинаётган хом ашёга бўлган саноат талабларини;

– бурғи қудуқларининг мавжуд промысловых ва геофизикавий тадқиқот усуллари;

– бурғи қудуқларини қазиб ва эксплуатация қилишни ва қўлланилаётган асбоб-ускуналар тавсифини;

– бурғилаш технологиялари асосларини, бурғи қудуқларини жорий ва капитал таъминлашни;

– иқтисодий асосларини, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этиш;

– геологик ҳужжатларни расмийлаштириш қоидаларини;

– чизма-графикларни тузиш тамойиллари ва усулларини, геологик ҳужжатлашни ва қаратаж материалларини қайта ишлашни;

– ер қаъри ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини;

– хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш сантарияси қоидаларини;

– геологик материалларни ҳисобга олиш ва сақлаш қоидаларини;

– меҳнат қонунчилиги асосларини билиши керак:

2. 60530500 - Геология (нефть ва газ геофизикаси) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

– давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

– хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

– ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

– меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

– ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

– музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;

– ишлаб чиқариш жараёнини сифатли бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган восита ва ресурсларини тўғри режалаштириш;

– ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ жараёнлар мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф–муҳитни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнларининг меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келишини назорат қилиш;

– муҳандислик ва конструкторлик ечимларни амалиётга тадбиқ қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– фикрлар хилма–хиллиги шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

– бирламчи конструкторлик, технологик ёки ишлаб чиқариш бўлимлари ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бажариладиган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф–муҳитга таъсирини ва ишчи–хизматчиларнинг меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиб бориш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури, қонун, қоида, қарор, олий таълим, ўқув жараёни, магистратура, консалтинг, лойиҳа-қидирув, тоғ жинслар, дельта чўкиндилари, делювий, геологик структуралар, бурғи қудуқлари, керн, кернларни хужжатлаштириш, фойдали қазилмалар, намуналаш, геологик кесма, геологик хариталаш, қидириш мезонлари, малака амалиёти, битирув малакавий иш, баҳолаш, сифат назорат, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, профиль, амалиёт объекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми, ички назорат, якуний давлат назорати, давлат-жамоатчилик назорати, ташқи назорат, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, моддий-техник база.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Геология фанлар университети

Ректор в.б. М.У.Исоқов

2022 йил «29» 08

М.Ў.



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Ислон Каримов номидаги
Тошкент Давлат Техника университети

Директор Ш.У.Якубов

Ректор С.М.Туробжонов

2022 йил «29» 08

2022 йил «29» 08

М.Ў.



“Ўзбекгеофизика” АЖ

“Нефть ва газ конлари геологияси
хамда қидируви институти” ДМ

Бошқарув раиси Р.А.Юсупжонов

Директор О.А.Қаршиев

2022 йил «29» 08

2022 йил «29» 08

М.Ў.

